# 2 000 000 ТОННА ТАЙЁР!


БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 229 (18.706). • Сешанба, 1983 йил 4 октябрь • Баҳоси 3 тийин.


**ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИ БУ ЙИЛГИ «ОҚ ОЛТИН»НИ ТЕЗРОҚ ВА ҲЕЧ НОБУД ҚИЛМАЙ ТЕРИБ ОЛИШ УЧУН КУЧ ВА ҒАЙРАТЛАРИНИ АЯМАЙДИЛАР, УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 66 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНАДИГАН ЙИЛ — 1983 ЙИЛНИНГ 6 МИЛЛИОН ТОННАЛИ ПАХТА ХИРМОНИ УЧУН ЖАНГДА ЖАСОРАТ ВА ШИЖОАТ КЎРСАТАДИЛАР, ДЕБ ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛДИРАДИЛАР.**

*1983 ЙИЛ ҲОСИЛ МАВСУМИ:*

# ПАХТАЗОР ЖАСОРАТГА ЧОРЛАЙДИ!

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РЕСПУБЛИКА КОММУНИСТЛАРИ ВА КОМСОМОЛЛАРИГА, ЭРКАК ВА АЁЛ КОЛХОЗЧИЛАРИГА, ЭРКАК ВА АЁЛ ИШЧИЛАРИГА, МЕХАНИЗАТОРЛАРИГА, АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИГА, СТУДЕНТЛАРИ ВА ЎҚУВЧИЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

# М У Р О Ж А А Т И

Азиз ўртоқлар!

Беш йилликнинг учинчи йили тугаб бормоқда. Ўзбекистон меҳнаткашлари бу йилни партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорларини рўёбга чиқаришда янги муваффақиятлар билан нишонладилар. Республика пойтахти — икки минг яшар Тошкент ўзининг кўп миллатли оиласи жангларда ва меҳнатда кўрсатган коллектив жасорат учун Ватаннинг олий мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланди. Ҳар биримиз бу мукофотни ҳаққоний ифтихор туйғуси билан қабул этдик. Ҳозир биз беш йилликнинг марказий йили планлари ҳамда социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришга, янги йилга — Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланадиган йилга муносиб равишда қадам қўйишга азму қарор бериб, ғайрат-шижоатга тўлиб-тошганмиз.

Ўзбекистон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, меҳнаткаш зиёлилари иш суръатларини кучайтириб, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаб, меҳнат унумдорлигини, иш самарадорлиги ва сифатини оширишнинг тобора янги-янги резервларини қидириб топиб, ишлаб чиқаришга хизмат қилдирмоқдалар. Чунончи, республика саноати тўққиз ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳам ўз ютуқлари билан қувонтирмоқдалар. Улар Озиқ-овқат программасида ўртага қўйилган вазифаларни, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг йўл-йўриқлари ва тавсияларини турмушга татбиқ этиб, дон етиштиришни кўпайтириш учун фидокорона курашмоқдалар, сабзавот-мева, узум, полиз маҳсулотлари, қоракўл тери, пилла етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан, деҳқончилик маҳсулотларини мамлакатнинг саноат марказларига етказиб бериш юзасидан белгиланган топшириқларни анча ошириб бажардилар. Гўшт, сут ва тухум тайёрлаш илдам суръатлар билан давом этмоқда.

Шу кунларда пахтакорлар зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Сурункасига уч йилдан бери республика хирмони олти миллионли маррага кўтарилмоқда. Бу йил ҳам Ўзбекистон меҳнаткашлари шу эзгу маррани эгаллашга, тайёрланадиган пахтанинг сифатини анча оширишга, унинг таннархини камайтиришга, пахтачиликнинг рентабеллигини оширишга сўз берганлар. Олтин қўлли пахтакорлар етиштирган «оқ олтин» бутун совет халқининг шон-шуҳрати ва ифтихоридир. Пахта саноатнинг нони, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун бебаҳо хом ашёдир, бинобарин қардош республикаларнинг, социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатларнинг корхоналари унга мунтазирдир.

Совет кишиларининг коммунистик қурилишдаги ютуқлари, уларнинг ленинча дўстлиги, жипслиги ва мустаҳкам ҳамдўстлиги, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ўсиб бораётганлиги империалист доираларга тинчлик бермаяпти.

АҚШ ва НАТО корчалонлари халқаро ишлардаги кескинликни кучайтириб, қуролланиш пойгасини авж олдириб, қандай қилиб бўлмасин СССРдан ҳарбий устунликка эришишга, Вашингтоннинг дунёда ҳукмронлик позицияларини таъминлашга уриниб кўришга интилмоқдалар. Аммо уларнинг урушқоқлик билан қилаётган даъволари совет кишиларининг метиндек жипслигига, бизнинг фидокорона ишимизга дуч келиб чилпарчин бўлмоқда.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотини қизғин маъқуллайдилар ва якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар, бу Баёнотда АҚШнинг ҳозирги урушқоқлик йўлига тўла-тўкис ва атрофлича баҳо берилган, КПСС билан Совет давлати ташқи сиёсатининг қатъийлиги ва изчиллиги, инсонпарварлиги ва тинчликсеварлиги намойиш этилган. Меҳнаткашларимиз янги уруш оловини ёқувчиларни фош этиб, бундан буён ҳам биринчи галдаги хўжалик-сиёсий вазифаларни амалга ошириш учун сабот билан меҳнат қилаверадилар, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлайверадилар, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун курашдаги куч-ғайратларни кўпайтираверадилар.

Республикада яшовчи ҳар бир киши ҳозир Ватанга камида олти миллион тонна «оқ олтин» беришдан иборат ўз ватанпарварлик ва интернационал бурчини алоҳида масъулият билан ҳис этиб турибди. Бизнинг бутун фикри-зикримиз ва муддаоларимиз шу мақсадга қаратилган.

Ҳозиргача пахтанинг учдан бир қисми далалардан териб олинди, унинг сифати юқори баҳоланди. Бунга осонликча эришилгани йўқ. Баҳордаги ёмғир ва дўллар, ёздаги жазирама иссиқ ва гармселлар, ғўзанинг ўсиш давридаги ҳароратнинг ҳаддан ташқари кўтарилиб кетганлиги «оқ олтин» учун жангда оғир синов бўлди.

Бироқ, республика деҳқонлари мардлик ва ваъдага вафодорликни, юксак уюшқоқлик, сабр-матонат, тажриба ва меҳнатсеварликни об-ҳаво инжиқликларига, табиий офатларга қарама-қарши қўйдилар. Юксак мажбуриятларни бажариш учун бемалол етадиган мўл-кўл ҳосил етиштирилди.

Аммо ҳосилнинг кўп қисми ҳали далада ётибди. Эрта-индин об-ҳаво айниб, ёмғир ёғиши, совуқ бошланиши, қор тушиши мумкин. Ҳосилни имкони борича тезроқ териб олиш, очиқ келган ҳар кун ва соатдан ғоят унумли фойдаланиш — ҳозир республикадаги ҳар бир кишининг энг муҳим ва энг масъулиятли вазифасидир!

Беш йилликнинг марказий йилида мўл пахта хирмони учун курашда биз КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг, мамлакатимиздаги барча қардош халқларнинг баракали ёрдамини, оталарча ғамхўрлигини ҳар қадамда сезиб турибмиз. Шу боисдан ҳам теримдаги юксак меҳнат қаҳрамонлиги ҳаммамизни қувонтиради. Қорақалпоғистон АССР ва республиканинг ҳамма областлари Тошкент технологиясини сабот билан жорий этиб, ҳосилни фидокорлик билан териб олмоқдалар.

Етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда териб олиш ташаббуси билан майдонга чиққан Тошкент областининг механизаторлари—дала гвардиячилари юксак иш унумига эришмоқдалар. Ғиждувон, Шофиркон, Гурлан, Хонқа, Бўка, Ленинобод, Элликқалъа, Ангор, Ленинград, Ленин йўли, Оққўрғон, Бувайда, Ленин районлари ва бошқа кўпгина районларнинг анчагина хўжаликлари пахтакорлари аъло даражада, коммунистчасига ишламоқдалар.

Бироқ, об-ҳаво имкон берадиган очиқ кунларда ҳосилни йиғиб-териб олмоқчи бўлсак — ҳозирги суръатлар ҳали етарли эмас. Ҳозир пахтазордаги куч-ғайратни икки ҳисса, уч ҳисса ошириш жуда муҳимдир. Пахта тайёрлаш суръатларини кескин ошириш — ҳозирги бош вазифадир. «Оқ олтин» теримида андаккина сусткашлик минг-минглаб кишиларнинг ҳосил учун курашдаги қаҳрамонона куч-ғайратларини пучга чиқаради. Ана ўшанда ҳозир бой берилган бирон кун ва соатни орқага қайтариб бўлмайди.

Терим фронтидан ҳар куни олинаётган маълумотлар маҳлиё бўлиш ва хотиржамлик учун ҳеч асос бермайди. Бир қанча область ва районлардаги пахта тайёрлаш суръатлари жиддий ташвиш туғдирмоқда. План ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун ҳамма жойда энг зўр қатъият ва ишчанлик, матонат ва маҳорат кўрсатиш, техникадан ва одам ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнатни ташкил қилиш ва рағбатлантиришнинг илғор формаларини жорий этиш, жамики мавжуд резервларни ишга солиш зарур.

Беш йилликнинг учинчи йили пахтаси учун бошланган жангнинг шу ҳал қилувчи кунларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республиканинг барча коммунистлари ва комсомолларига, эркак ва аёл колхозчилари, ишчиларига, механизаторларига, агросаноат комплексининг раҳбарлари ва мутахассисларига, студентлари ва ўқувчиларига, барча меҳнаткашларига мурожаат этиб, бу йилги қийинчилик билан етиштирилган мўл ҳосилни териб олишда жонбозлик билан қатнашишга, пахтазорлардаги шахсий ғайрат-шижоатни кучайтиришга чақирадилар.

«Биз ҳаммамиз ҳозир пахтакормиз!» деган сўзларнинг ватанпарварлик маъносини чуқурроқ англаб олиш, «оқ олтин» теримида қалб амри билан бевосита ёрдам бериш, ҳар бир колхоз ва совхознинг, ҳар бир район ва областнинг мажбуриятларини бажаришни жадаллаштириш, ўтган йиллардан қолган қарз бўлса, уни тугатиш — ҳар бир кишининг шон-шараф ва виждон ишидир. Биронта хўжалик ҳам беш йилликнинг тўртинчи йилига — республика билан Ўзбекистон Компартиясининг шонли юбилейи йилига қарздор бўлиб кирмаслиги керак!

Бунинг фақат битта йўли бор. Республикада яшовчи ҳар бир киши ҳосилнинг тақдири учун шахсан масъул эканини англаб олиши ва буни чуқур ҳис этиши лозим.

КОММУНИСТЛАР, КОМСОМОЛЛАР! Биринчи бўлиб пахтакорларнинг сафларида туриш, энг қийин участкаларда пешқадам бўлиш, одамларни руҳлантириш — бизнинг фахрли бурчимиздир. Қўл теримида ҳам, «зангори кема»ларни ишлатишда ҳам, пахта ташиш ва қабул қилишда ҳам, партия, совет ва хўжалик раҳбари, пахта конвейерининг ташкилотчиси юксак лавозимида ҳам фидокорлик намуналарини кўрсатингиз! Терим кампаниясини тезроқ ва сифатли тугаллаш, мажбуриятларни бажариш масалалари ҳозир ўтказилаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида бош масалалар бўлмоғи лозим. Ҳозир ҳар бир партия ташкилоти ишчанлик ва сиёсий етуклик синовидан ўтади. Мана шу имтиҳондан шараф билан ўтмоқ керак.

ПАРТИЯ, СОВЕТ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ОРГАНЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ! Ҳосил теримида ташкилотчилик ва сиёсий иш савиясини оширингиз, социалистик мусобақанинг юксак таъсирчанлигига эришингиз, энг яхши пировард натижаларни, энг юксак меҳнат унумдорлигини таъминлаш учун идеология ишининг форма ва методларини такомиллаштирингиз. Механизаторларга, теримчиларга, барча далада ишловчиларга эътибор ва меҳрибонлик қилиш, юксак унум билан меҳнат қилиш учун уларга энг қулай шароитларни яратиб бериш — сизларнинг бурчингиздир.

КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРНИНГ, БЎЛИМ ВА БРИГАДАЛАРНИНГ, АГРОСАНОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИ! Комплекс звенолар ва терим-транспорт отрядларининг ишини такомиллаштирингиз, Тошкент технологиясини, пахта теримида коллектив пудрат ва илғор методларни кенг жорий этингиз, ҳамма жойда кўпмингкилограммчилар ҳаракатини қўллаб-қувватлангиз! Техниканинг ва теримчиларнинг юксак унум билан сифатли ишлашини таъминлангиз, илғорларни маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг ҳамма формаларини омилкорлик билан қўшиб олиб борингиз, уларнинг ютуқларидан кенг фойдаланингиз, уларнинг тажрибасини оммалаштирингиз, шаҳарликларнинг ёрдамидан самарали фойдаланингиз, теримда зарбдорларча ишлаш учун уларга яхши маданий-маиший шароитлар яратингиз!

ЭРКАК ВА АЁЛ КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗЛАРНИНГ ЭРКАК ВА АЁЛ ИШЧИЛАРИ! Сизларнинг мислсиз меҳнатингиз билан мўл-кўл «оқ олтин» ҳосили етиштирилди. Уни териб олишда ҳам бутун кучингизни ишга солиб меҳнат қилингиз, юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун, мавсумда камида 12—15 тонна пахта териш учун курашингиз. Теримнинг асосий оғирлиги сизларнинг зиммангизга тушади. Зеро, меҳнатингизнинг пировард натижаси теримда аниқланади, бу эса фаровонлигимизни, бутун халқнинг равнақини янада ўстириш негизидир!

ШАВКАТЛИ ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ, ҚИШЛОҚ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ! Ватан сизларга ажойиб техникани ишониб топширган. Сизлар шу техникани мукаммал эгаллаб олиб, чинакам дала баҳодирлари бўлиб қолдингиз. Бу йилги терим мавсуми сизларнинг алоҳида масъулиятингиз ва уюшқоқлигингизни, ҳосилни ҳеч нобуд қилмай, янги давлат стандарти талабларига мувофиқ юқори сифатли қилиб териб олишда маҳорат кўрсатишингизни талаб қилади. «Зангори кема»ларни икки сменада ишлатиш, бутун терим техникаси комплексини аниқ, пухта ишлатиш йўли билангина терим суръатларини кескин кўтариш, барча бригадалар, хўжаликлар, районларнинг машина терими юзасидан олган мажбуриятларини бажариш мумкин. Бу эса сизларнинг пахта етиштиришдаги етакчилик ролингизни яна бир бор тасдиқлайди.

ШАҲАРЛАРНИНГ ВА ИШЧИ ПОСЕЛКАЛАРИНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИ, СТУДЕНТ ВА ЎҚУВЧИ ЁШЛАР! Бизнинг республикамиздаги колхозчи ва ишчи, инженер ва ўқитувчи, ёзувчи ва олим, хизматчи ва студент, мактаб ўқувчиси ва уй бекаси — ҳамма пахтакордир. Республикамизда Ўроқ ва Болғанинг мустаҳкам иттифоқи солномасига кўпдан кўп ёрқин саҳифалар ёзилган. Бугун ҳам пахтазор — деҳқонларнинг содиқ ва ишончли дўстларига, асосий касбидан қатъи назар, ҳақиқий пахтакор бўлган сизларга мунтазир.

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИНИНГ ХОДИМЛАРИ! Пахтани қабул қилиш, қуритиш, тозалаш, асраш ва қайта ишлашни кун сайин яхшилангиз, пахта конвейерининг кечаю кундуз ишлашини таъминлангиз, пахтани қайта ишлашга тайёрлашнинг илғор методларини жорий қилингиз. Пахтадан кўпроқ тола ажратишга ва фақат аъло сифатли маҳсулот олишга эришингиз. Сизларнинг Озиқ-овқат программасини ҳал этишга, саноатни юқори сифатли хом ашё билан таъминлашга қўшадиган ҳиссангиз мана шундан иборат бўлади!

Азиз дўстлар!

Биз ҳаммамиз қалб амри билан пахтакормиз. Бас, шундай экан, ҳар биримиз теримчилар сафига ўтайлик. Бурч ва виждон ҳеч кимни асосий ишимиздан — мўл ҳосилни сўнгги мисқолигача териб олишдан четда қолишига йўл қўймайди. Инсон меҳнатда, фақат меҳнатда улуғланади, деб халқимиз бежиз айтмаган.

Шу ҳал қилувчи кунларда ҳеч ким «оқ олтин» теримида қатнашишдан ўзини четга олмаслиги керак. Тайёрга айёрлик ғайриахлоқий ва зарарлидир: бу бизга ярашмайдиган кайфиятдир. Ҳозир Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир киши республикада, мамлакатда содир бўлаётган воқеаларга шахсан дахлдор эканини равшан англаб олиши, бутун куч-қувватини сарфлаб меҳнат қилиши айниқса муҳимдир.

Пахтазор жипсликка, куч-ғайратларни бирлаштиришга, темир интизомли бўлишга даъват этмоқда. Юрий Владимирович Андроповнинг социалистик меҳнат интизоми ва тартибни мустаҳкамлаш ҳақидаги, бунинг пировард натижага жуда катта таъсир ўтказиши тўғрисидаги кўрсатмаси республика пахтазорида алоҳида салмоқ ва чуқур маъно касб этади. Интизом, тартиб, уюшқоқлик, юксак унумдорлик бутун пахта конвейеримизда ўзгармас қоида бўлиб қолиши керак!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари бу йилги «оқ олтин»ни тезроқ ва ҳеч нобуд қилмай териб олиш учун куч ва ғайратларини аямайдилар, Улуғ Октябрнинг 66 йиллиги нишонланадиган йил — 1983 йилнинг 6 миллион тонналик пахта хирмони учун жангда жасорат ва шижоат кўрсатадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар. Сўнгги мисқолигача териб олинган ҳосил — бизнинг севикли Ватанимизга энг яхши совғамиз бўлади, Ўзбекистон меҳнаткашларига ҳамиша хос фазилат бўлиб келган ваъдага вафодорликнинг далили бўлади.

Шу кунларда пахтазор — жасорат майдонидир.

**ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ** — **ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** — **ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

# ЙЎЛ УЗОҚ, КЎНГИЛ ЯҚИН

## *Биродарларнинг дўстона алоқалари*

Мана, йигирма йилдирки, Андижон области билан Болгария Халқ Республикаси Ямболь округи меҳнаткашларини қизғин биродарлик муносабатлари боғлаб турибди. Бу муносабатлар ҳаётбахш совет — болгар дўстлигининг конкрет ифодасидир.

Бизларнинг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари йўли билан дўстона алоқаларимиз самарали бўлмоқда. Бир-бирларимизникига делегацияларнинг ўзаро борди-келдилари аллақачонлар анъанага айланган. Ушбу делегацияларнинг составига саноат корхоналари, социалистик далалар меҳнаткашлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотчилари киради. Андижон ва Ямболда дўстлик клублари ишлаб турибди. Ҳар йили кузда совет — болгар дўстлиги ўн кунликлари ўтказилади. Театрлар ўзаро гастроль сафарларини уюштирадилар. Биз студент қурилиш отрядлари билан алмашиб турамиз. Ўртамизда спорт алоқалари ҳам ривожланмоқда.

Янги ҳаёт қурилишидаги бутун куч-ғайратларимизни, ўзимизнинг ижодий ва меҳнат шижоатимизни интернационал социалистик мусобақада авж олдирмоқдамиз ва текшириб кўрмоқдамиз. Биз болгарлар билан социалистик мусобақа ўтказиш учун биринчи шартномани 1963 йилда имзоладик. Шундан бери ўтган вақт ичида бизнинг областимиз ва Ямболь округи ўртасидаги алоқалар чуқурлашди, анча ишчанлик руҳини касб этди. Биринчи навбатда мусобақанинг бутун диққат эътибори ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва ҳаракатга келтиришга, яъни КПСС ва БКП олға сурган вазифаларни янада самарали ва тежамлироқ ҳал қилишга, хўжалик фаолиятида юксак пировард натижаларга эришишга, бир-биримизнинг тажрибаларимиздан кенг миқёсда фойдаланишга қаратилмоқда.

Бир нечта мисол келтираман. Андижонлик машинасозлар аралашмани тез қотирадиган технологияни ишлаб чиқдилар. Ямболлик мебелчилар бу усулни биздан ўрганиб, уни ёғоч-тахталарни қуритишда жорий қилдилар. Деҳқонларимизнинг суғориш соҳасидаги илғор усуллари Ямболь округи қишлоқ меҳнаткашлари учун ниҳоятда ибратли иш бўлди. Айни пайтда биз биродарларимиз қўлланаётган барча яхши нарсаларни ўзимизда татбиқ этишга интиляпмиз. Масалан, БХР Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ямболлик механизатор Георги Куцаровнинг ташаббуси бизнинг областимизда кенг ёйилди. У тракторни сақлаш ва ремонт қилишга ажратилган маблағларни тежаш ҳисобига уч йил ичида янги машина сотиб олишга стадиган пулни жамғарди. Ямболликлар билан анчадан бери алоқа қилиб келаётган «Правда Востока» колхозининг ўзида бу тажрибани ўн нафар механизатор ишда қўлланмоқда. Тракторчилардан Т. Бакиров, Х. Ашуров, С. Исмоилов ва бошқалар мана, тўрт йилдирки ўз машиналарини жиддий ремонтсиз ишлатмоқдалар ва унинг йиллик иш унумини бир ярим минг гектарга етказдилар. Андижон консерва заводида болгарларнинг помидорларни қайта ишлаш технологияси жорий этилган. Бизнинг корхоналаримиз совет хом ашёсидан газлама ишлаб чиқарувчи «Тунжа» тўқимачилик комбинатидан кўп нарсани ўргандилар.

Ямболликлар тажрибали деҳқонлардир. Масалан, ўтган йили Роза қишлоғида яшовчи Никола Минков бошлиқ ёшлар бригадаси ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 76 центнердан буғдой, 78 центнердан арпа ҳосили йиғиштириб олди. Дўстларимиздан ўрганиш мумкин бўлган нарсалар оз эмаслигини айтмоқчиман. Фақат ишлаб чиқариш тажрибасинигина эмас, балки уларнинг меҳнатга муносабати — интилишини кўзда тутяпман. Минков бригадаси шундай интилиш, юксак интизом, механизаторларнинг малакаси, агротехник тадбирларни сифатли, ўз вақтида ўтказиши, олимларнинг тавсияларини амалда қўллай билиш маҳорати билан бу ютуққа эришди. Албатта, бизда ҳам ғалладан юқори ҳосил етиштирувчи моҳир усталар кўп. Бироқ, бундай рекордларни ҳали қўлга киритганимиз йўқ. Болгариялик машҳур бригадир ўз тажрибаларини бизда чиқадиган «Андижанская правда» газетаси орқали мамнуният билан ўртоқлашди.

«Андижанская правда» ва «Коммунист» область газеталари Болгариянинг «Народен другар» округ газетаси билан ҳамкорликда тез-тез қўшма сонлар, дўстлик алоқалари ҳақидаги саҳифалар ва подборкаларни чиқариб турибди. Яқин кунлар ичида журналистларнинг бир-бирлариникига бориб-келишларини уюштиришни мўлжал қилиб турибмиз. Бунда журналистлар қардош редакциялар аппаратларида бевосита ишлаб келадилар.

Округда ва областда бевосита меҳнат коллективлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиляпти. Ҳозир биродарлар мусобақасида ўттиздан зиёд корхона, хўжалик, ташкилот иштирок этяпти. Мисол учун, Ўзбекистоннинг Калинин номли колхоз аъзолари билан Болгариянинг Тенево ва Стралджа кооператорлари ўртасида амалий алоқалар йўлга қўйилган. Улар бир-бирларига социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши қандай бораётганлиги тўғрисида мунтазам равишда ахборот бериб турадилар. Деҳқончилик ва чорвачиликда тўпланган тажрибаларни ўзаро ҳамкорликда ўрганишни йўлга қўйганлар.

Эндиликда бизларни болгарлар билан қон-қариндошлик алоқалари ҳам боғлаб турибди. Ўзаро шартномага кўра «Савай» совхозига Георгий Димитров номли ёшлар отряди жангчилари ташриф буюришган эди. Дунай ортидан келган ёшлар маҳаллий қизлар билан дўстлашиб қолишди. Уларнинг бир-бирларини ёқтириб қолганликларини оқсоқоллар маъқуллашди. Чунки, болгар йигитлари ишга чанқоқ, меҳнаткаш эдилар. Бундай одамлар шахсий ҳаётда ҳам ишончли бўладилар. Иш тўй билан якунланди. Тўрт нафар отряд жангчиси бирданига куёв бўлиб қолишди. Болгарияга савайлик қизларни олиб кетишди.

Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитети ва Болгария Коммунистик партияси Ямболь округ комитети социалистик мусобақа самарадорлигини ошириш тўғрисида махсус низомни ишлаб чиқдилар. Мусобақада ўрнак кўрсатган меҳнат коллективларига биродарларнинг фахрий дипломлари топширилади. Ўтган йили бундай шарафга Андижондаги «Коммунар» заводи, ип газлама комбинати, автокомбинат, «Коммуна» колхози, «Ленинчи» совхози сазовор бўлди. Ўз навбатида Андижон областининг дипломлари Ямболь округининг илғор корхоналари ва хўжаликларига топширилди.

Мен КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. Бу Пленумда таъкидланганидек, ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш бугунги кунда социалистик мусобақани ташкил этишга янги талаблар қўймоқда. Мана шунинг учун ҳам асосий диққат-эътибор фақат миқдор кўрсаткичларгагина эмас, маҳсулот сифатини ошириш учун курашда, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилашда, хом ашё, энергия, иш вақтидан тежашда қандай натижалар ҳосил қилинишига қаратиш зарурлиги уқтириб ўтилди. Биз биродарлар билан мусобақани ташкил этишда буларнинг ҳаммасини ҳисобга олмоқдамиз. Ямболь округ комитетида ҳам бизнинг позициямизни қўллаб қувватлашди. Негаки, меҳнат беллашувининг сифат жиҳати, унинг самарадорлиги болгариялик дўстлар учун ҳам зарурдир.

Албатта, биз иқтисодий ва социал вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун мусобақанинг сафарбар этувчи кучидан ҳали ҳам тўла фойдалана олмаяпмиз. биродарларимизнинг тажрибаларини ҳамма вақт ҳам оператив ва самарали жорий эта олмаяпмиз. Ҳозир ямболлик дўстларимиз билан 1984—1985 йиллар учун ҳамкорликнинг янги режаларини ишлаб чиқмоқдамиз. Бу планларнинг бажарилиши бизнинг кундалик ҳаётимизнинг муҳим таркибий қисми бўлиб қолган дўстлик алоқаларимизга янада ишчанлик ва конкретлилик бахш этади.

**Тоқ киши айши уйин**
**бил нигун,**
**Уйга қачон ҳомил ўлур**
**бир сутун?!**

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг бу дилга яқин сатрлари биргина унинг ватандошлари тилида эмас, балки дўст Болгарияда ҳам жаранглам оқда.

Негаки, биродарларнинг дўстлиги интернационал тарбиянинг ҳақиқий мактаби бўлиб қолди.

Ўзбекларда йўл узоқ, кўнгил яқин, деган ҳикматли мақол бор. Ҳа, кишиларнинг фикр-ўйлари ва қарашлари, интилишлари ва ишлари бир бўлса, масофанинг узоқлиги ҳеч қачон билинмайди.

**С. МАМАРАСУЛОВ,**
**Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитетининг биринчи секретари.**

Андижон шаҳри.
Ўзбекистон ССР.
(«Правда», 1983 йил 3 октябрь).



Суратда: Навоий область автомобиль трести 34-автокорхонасининг бригадири Алиқул Ботиров. Шофёрлар бригадаси коллективи «КРАЗ»ларни маҳорат билан бошқариб, цементчилар муваффақиятига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Учинчи кварталда энг юқори кўрсаткичга эришган бригада Навоий цемент заводидан планга қўшимча кўплаб цемент ташиб берди, 10,4 тонна ёнилғи тежашга эришди. В. Молгачев фотоси.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИ

«КПСС Марказий Комитетининг Пленуми. 1983 йил 14—15 июнь» номи билан стенографик ҳисобот алоҳида нашр этилди. Бу китобга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари К. У. Черненконинг «Партия идеологик, оммавий-сиёсий ишининг актуал масалалари» мавзуидаги доклади, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андропов нутқи, Пленумда сўзланган нутқлар, «Партия идеологик, оммавий-сиёсий ишининг актуал масалалари» тўғрисида КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори ва бошқа материаллар киритилган.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди. (ТАСС).

## ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

«Партия ва ҳукуматнинг хўжалик масалалари хусусидаги қарорлари» номли ҳужжатлар тўпламининг 14-томи нашр этилди. Бу томда 1981 йил апрель ойидан бошлаб, 1982 йил декабрь ойигача Коммунистик партия ва Совет давлати олий органларининг халқ хўжалигига ва ижтимоий-маданий қурилишга раҳбарлиги масалаларига доир энг муҳим ҳужжатлари эълон қилинган.

Томда КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари, шу Пленумда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг нутқи асосий ўринни эгаллаган. Тўплам материаллари орасида «СССРнинг олтмиш йиллиги» тўғрисида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Совети қўшма мажлисида 1982 йил 21 декабрда ўртоқ Ю. В. Андропов қилган доклад бор.

Томга киритилган ҳамма қарорлар амалдаги қарор бўлиб, бир қанчаси биринчи марта эълон қилинмоқда.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

## *ЗАФАР САТРЛАРИ*

✦ БУХОРО. Олот районидаги «Оқ олтин» колхозининг Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Розигул Ҳазратова бошлиқ бригадаси зафар маррасини эгаллади. 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 38,5 центнердан дурдона йиғиштириб олинди. Комсомол-ёшларнинг аҳди планданташқари яна 230 тонна «оқ олтин» топширишдан иборатдир.

✦ САМАРҚАНД. Пайариқ районидаги Крупская номли колхознинг Сайфи Сулаймонов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам ғалаба рапортига имзо чекдилар. 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан хирмон кўтарилди. Бригада пахтакорлари ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш мажбуриятини олишди.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**«ФАН ВА ТУРМУШ» ЖУРНАЛИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Республика меҳнаткашларининг илмий ва маданий савиясини оширишга катта ҳисса қўшганлиги учун ва ташкил этилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан «Фан ва турмуш» журнали Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**И. УСМОНХЎЖАЕВ.**
**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Г. ҲАЙДАРОВА.**

1983 йил 3 октябрь.
Тошкент шаҳри.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотда кўп йил актив ва самарали ишлаганлиги учун «Фан ва турмуш» журнали бош редакторининг ўринбосари ўртоқ Комил Солихович **Холмуҳамедовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

Журнал редакциясининг бир группа ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

## РЕСПУБЛИКА БИЛАН ТАНИШУВ

Покистон Ислом Республикасининг нефть ва табиий ресурслар министри Рао Фармон Алихон бошчилигидаги шу республика делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишиб бўлди.

Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилиш районлари билан танишдилар, Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг раҳбарлари билан суҳбатлашдилар, Қарши ва Самарқандга сафар қилдилар.

(ЎзТАГ).

### ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Эришилган аҳдлашувга мувофиқ Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитетининг навбатдаги мажлиси 1983 йил октябрь ойи ўрталарида Софияда ўтказилади.

# ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШ—ОЛИЙ БУРЧ

*«Совет Ўзбекистони» ва ЎзТАГ мухбирлари хабар қиладилар*

**КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёноти совет кишилари қалбидан чуқур жой олди. Барча совет кишилари қатори республикамиз меҳнаткашлари ҳам редакциямизга юбораётган хатларида завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда, меҳнат коллективларида ўтказилаётган йиғилиш ва митингларда улар КПССнинг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини тўла қўллаб-қувватлаётганликларини билдирмоқдалар.**

### ТОШКЕНТ

Тошкент меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёнотини чуқур мамнуният билан қабул қилдилар. Баёнот Совет Иттифоқи ер юзида тинчликни ҳимоя қилишга маҳкам бел боғлаганлигини яна бир карра намойиш қилди. Меҳнат коллективлари, корхоналар ва қурилишларда, муассасаларда ўтаётган йиғилишларда КПСС ва Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсати қизғин маъқулланиб, қўллаб-қувватланмоқда.

Тошкентнинг «Таштекстильмаш» заводида бўлиб ўтган йиғилишда кўп киши қатнашди.

— Вашингтонлик милитаристлар партиямиз ва давлатимиз раҳбари берган Баёнотдан муносиб дакки едилар, — деди темирчи Қодир Қосимов. — Президент Рейган ва унинг дастёрлари «Совет хавфи» деган ёлғон-яшиқ гаплар ва туҳмат-бўҳтонлар билан ниқобланиб, қуролланиш пойгасини авж олдирмоқдалар, инсониятни ядро ҳалокати ёқасига итармоқдалар. Ҳамма халқлар, планетанинг ҳар бир кишиси тинчликни сақлаш учун курашда бир ёқадан бош чиқармоғи керак, деб таъкидлади ўз Баёнотида ўртоқ Ю. В. Андропов. Биз шу даъватни астойдил қўллаб-қувватлаймиз ва давлатимизнинг қудратини янада баландроқ кўтариш учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни қиламиз.

Слесарь Г. Маслов, қуюв цехи партия ташкилотининг секретари Г. Киньзябулатова, конструктор А. Данилин, техника контроли бўлими бошлиғининг ўринбосари Б. Исҳоқов АҚШ маъмуриятининг авантюристик йўлини қатъиян қораладилар, халқаро майдонда СССР ўртага ташлаётган тинчлик таклифлари ғоятда муҳимлигини таъкидладилар.

Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёнотига юксак баҳо бердилар.

Сўзга чиққан конструкторлик бюросининг бошлиғи В. Ульянов, инженер У. Малин, бирлашма бош директорининг ўринбосари П. Садименко ва бошқалар Ю. В. Андроповнинг Баёнотида барча совет меҳнаткашларининг, яхши ниятли ҳамма кишиларнинг ўй-фикрлари ва ҳис-туйғулари ифодаланган, деб таъкидладилар. Йиғилиш қатнашчилари АҚШ маъмуриятининг авантюристик сиёсатини ғазаб билан қораладилар. Самолётсозлар зарбдор меҳнатимиз билан планетада тинчликни мустаҳкамлаймиз, дедилар.

Тошкент метрополитени, республика пойтахтининг бошқа корхоналари коллективларида Ю. В. Андропов Баёнотини қўллаб-қувватлаш юзасидан йиғилишлар бўлиб ўтди.

### САМАРҚАНД

АҚШ ҳозирги маъмуриятининг Советларга қарши ёвуз хуружлари бизда ғазабланиш ҳисларини уйғотмоқда. Тарихнинг боришини ҳеч ким орқага қайтара олмайди. Самарқанддаги 2531-автоколонна меҳнатчиларининг йиғилишида сўзга чиққан барча кишилар нутқида ана шу фикр билдирилди. Йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёнотини астойдил қўллаб-қувватладилар.

— Ҳар бир совет кишиси, ер юзидаги барча софдил кишилар Коммунистик партиянинг ленинча тинчликсевар йўлини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар, — деди илғор ҳайдовчи У. Ражабов. — Бинобарин, биз аминмизки, барча халқларнинг биргаликдаги куч-ғайрати милитаризмнинг ёвуз кучларини тўхтата олади.

Ҳайдовчи П. Сулаймонов, автомобиль корхонасининг раҳбари Л. Вагманач ва сўзга чиққан бошқа ўртоқлар Ю. В. Андроповнинг Баёнотини қизғин маъқулладилар. Автомобилчилар Вашингтон маъмуриятининг милитаристик йўлини қаҳр-ғазаб билан қораладилар.

Самарқанд областидаги кўпгина ишлаб чиқариш коллективларида бўлиб ўтган йиғилишларнинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёнотидаги хулосаларни якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

### ХОРАЗМ

Хоразм областидаги Туямўйин гидроузели қурувчилари кўп кишилик митингга йиғилиб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёнотини якдиллик билан маъқуллашларини билдирдилар.

— Барча гидроиншоотчилар бу ҳужжатни зўр мамнуният билан қабул этдилар, — деди Халқлар дўстлиги ордени нишондори, 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг электр пайвандчиси Назира Диденко. — АҚШ маъмуриятининг раҳбарлари совет халқини қурол кучи билан чўчитиш йўлидаги бемаъни уринишларини бас қилсин, Юрий Владимирович Андропов айтганидек, бизнинг тинчликка интилишимиз асло заифлик нишонаси эмас. Бизнинг мамлакатимиз ўз хавфсизлигимизни таъминлаш учун ҳамма нарсага эгадир. Аммо, Совет давлати табиатининг ўзига тинчлик муддаоси асос қилиб олинган, биз ҳам Совет Ватани янада қудратли ва бадавлат бўлиши учун ҳамма кучимизни сарфлаймиз, янада яхшироқ ишлаймиз.

Йиғилишда сўзга чиққан комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Р. Тоҳиров, уруш ва меҳнат ветерани Х. Айбетов, шофер А. Ботиров ва бошқалар бутун коллектив номидан ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотидаги ҳамма қоида ва хулосаларни маъқулладилар ҳамда ўз зарбдор меҳнатлари билан тинчликни мустаҳкамлашга кўпроқ ҳисса қўшишга сўз бердилар.

### ҚАШҚАДАРЁ

Қашқадарё область меҳнаткашлари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. СССР 50 йиллиги номли Қарши тикувчилик фабрикасида АҚШ маъмуриятининг халқаро муносабатда милитаристик йўлдан бораётганлигига ва бу йўл тинчликка жиддий хавф туғдираётганлигига қарши норозилик митинги бўлиб ўтди.

— Биз, совет кишилари, — деди сўзга чиққан 2-цех тикувчи мотористкаси М. Раҳматова, — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотини чин юракдан қабул қилдик. Бунда совет кишиларининг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топган. Бизнинг тенгдошларимиз Улуғ Ватан уруши даҳшатларини бошидан кечирмаганлар. Биз уруш қандай оқибатларга олиб келишини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам урушга қаршимиз, тинчликда яшашни, яратувчилик меҳнатида жасорат кўрсатишни хоҳлаймиз.

Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотида алоҳида таъкидланганидек, — деди тикув цехининг бошлиғи Г. Жабборова, — АҚШ маъмурлари тинч-тотув яшаётган мамлакатларнинг ички ишларига қўпол равишда аралашмоқдалар. Мен корхонада 30 йилдан бери ишлайман. Онаман. Барча оналар қатори фарзандларимизнинг бахтиёр бўлишини истайман. Бунинг учун эса тинчлик керак.

Шундан кейин сўзга чиққан тикувчи-мотористка Д. Зарипова ҳозирги халқаро вазият кескинлашган шароитда тинчликни янада мустаҳкамлаш учун янада ғайрат билан меҳнат қилиш кераклигини, жонажон Ватан қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшишга тенгдошларини даъват этди.

Митингда сўзга чиққан бошқа нотиқлар ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотида олға сурилган фикрларни маъқулладилар.

Шунингдек, Қарши сут комбинати, якка тартибда кийим тикиш фабрикаси ва областнинг бошқа меҳнат коллективларида ҳам ана шундай митинглар бўлиб ўтди.

●

Совет давлатининг АҚШнинг ҳозирги авантюрачилик сиёсати хусусидаги равшан ва очиқ-ойдин позицияси КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёнотида тушунтириб берилди Советларга қарши жазавани авж олдираётган, «совет хавфи» деган ҳавойи гапларни рўкач қилаётган Рейган маъмурияти ҳар қандай баҳоналар билан Ер юзига корчалон бўлиб олишга уринмоқда. У ўзининг риёкорона ваъзлари билан умуман дунёда социализмга ўрин йўқ, деган фикрни уқтиришга интилмоқда. Рейган маъмурияти инсон ҳақида, унинг фаровонлиги, тинч яшаши ҳақида ғамхўрлик қилишни ўзининг бош мақсади, деб эълон қилган тузум ҳақида шундай гапларни айтмоқда. Бироқ, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотида уқтириб ўтилганидек, истак бошқаю, имконият бошқа. Ҳеч ким тарих ғилдирагини тескари бура олмайди. СССР, бошқа социалистик мамлакатлар ўз қонунларига — энг илғор социал тузум қонунларига мувофиқ яшаб, ривожланаверадилар. Айни социалистик тузум биз, оддий кишиларга жуда катта ҳуқуқлар, меҳнат қилиш, илм олиш, дам олиш ҳуқуқларини берди. Республикамизнинггина эмас, шу билан бирга Болгария, Румыния, Мозамбик, Сурия, Анголанинг пахтазорларида ҳам кезиб юрган пахта териш машиналарини ишлаб чиқаришга ўз меҳнатим билан ҳисса қўшаётганлигимдан қувонаман.

**М. ДОГОЛИЧЕНКО,**
**«Ташсельмаш» заводи қуюв цехининг стерженчиси.**

●

Куни кеча матбуотда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотини ўқиб чиқдик. Баёнотда АҚШнинг ҳарбий потенциали мислсиз даражада кўпаяётганлиги барча турдаги қуроллар, ядровий, химиявий қурол-яроғлар ишлаб чиқиш кенг тус олинганлиги ташвиш билан тилга олинган. Албатта Америка маъмуриятининг милитаристик бу сиёсати жаҳон тинчликсевар оммасини беҳад ғазаблантирмоқда.

Инсон зотига душманлик сиёсатини ўтказаётган АҚШ президенти бизнинг Ватанимиз ва бошқа социалистик мамлакатларга туҳмат тошини отаётганлиги Баёнотда фош этилган. Совхозимизнинг кўпминг сонли кишилари, далаларда камида 8 минг тонналик «оқ олтин» хирмони учун тер тўкаётган пахтакор ва механизаторлар Баёнотни юракдан қабул қилиб, урушни хоҳловчи Америка маъмурларининг кирдикорларини қаттиқ қораламоқдалар, бизнинг тинчликсевар партия ва ҳукуматимиз ички ва ташқи сиёсатини актив қўллаб-қувватламоқдалар.

Йўқолсин уруш! Уруш нималигини ва қандай оқибатларга олиб келишини биз бошдан кечирган Улуғ Ватан уруши қатнашчилари яхши биламиз.

**Қаҳҳор ТУРСУНОВ,**
**Ульянов районидаги «III Интернационал» совхозининг директори, Улуғ Ватан уруши ветерани.**

●

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёноти В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети юридик факультети коллективи қалбида зўр акс садо берди Факультетда профессор-ўқитувчилар, студентлар, аспирантлар ва бошқа ходимлар иштирокида ўтган кўп кишилик митинг ана шу воқеага бағишланди.

Митингни кириш нутқи билан факультет декани ўринбосари, доцент Х. М. Абдуалиев очди. Факультет партбюроси секретари ўринбосари М. К. Азимов партиямиз ва совет давлатининг раҳбари Ю. В. Андропов Баёноти моҳиятини таърифлаб, ҳозир ер юзида барча эркесевар кишилар учун тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашдан кўра муҳимроқ иш йўқ, деб таъкидлади.

Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси профессор И. Б. Стерник минбарга чиқади. Нотиқ урушнинг офатли оқибатларига тўхталиб, совет кишилари термо-ядро ёнғини чиқишини асло хоҳламайдилар, деди, шу боисдан империалистлар хатарли режаларининг пучга чиқишига ишончимиз комил.

Митингда факультет декани ўринбосари доцент Ш. Ш. Шораҳмедов, кафедра мудири доцент З. М. Исломов, доцентлардан В. Н. Стасько, О. М. Ғозиев, 5 курс студенти Г. Янгибоев ва бошқалар гапирдилар. Нотиқлар ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС ва Совет ҳукуматининг тинчликсевар сиёсати тўғрисида ҳамда АҚШ маъмуриятининг Советларга қарши иғвогарлик хуружлари ва агрессив фаолияти хусусида берган Баёнотини қизғин маъқулладилар. Улар коллективни ўз сафларини янада жипслаштиришга, хушёрликни оширишга, ўқув интизоми ва социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлашга чақирдилар.

**Л. ОХУНЖОНОВ,**
**доцент.**

## *СССР ва ГФР олимларининг «Полимердаги молекуляр ва пермолекуляр тартиб» мавзуига бағишлаб Тошкентда ўтказилаётган симпозиуми қатнашчиларига*

Янги материалларни яратиш ва улардан фойдаланиш XX аср иккинчи ярми техника тараққиётининг ўзига хос энг муҳим хусусиятларидан биридир. Булар орасида полимерлар жуда муҳим ўрин тутади. Саноат, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида, медицина ва турмушда полимер моддаларнинг кенг кўламда ишлатилиши бундай моддаларни синтез қилиш, хоссаларини тадқиқ этиш ва қўлланиш соҳаларини кенгайтириш билан банд бўлган олимларнинг уларга тобора қизиқиб қарашларига сабаб бўлмоқда.

Меҳнат унумдорлигини ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва кишиларнинг соғлиғини сақлаш ишларини яхшилаш каби кўпгина муҳим техник, иқтисодий, социал вазифаларни ҳал этиш шу соҳадаги фанни янада ривожлантириш билан боғланган. Шунинг учун ҳам бизнинг Совет Иттифоқида СССР Фанлар академияси, республика академиялари системасида, олий ўқув юртларида, саноат, қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш турли соҳалари тармоқ институтлари ва лабораторияларида полимер моддалар фанини ривожлантиришга ниҳоятда жиддий эътибор берилмоқда.

Биз полимерлар фани соҳасида ишлаётган ГФР олимларининг самарали меҳнатларига юксак баҳо берамиз ва СССР—ГФР олимларининг биргалашиб ўтказаётган биринчи симпозиуми ҳар икки мамлакат олимларининг ҳозирги замон химия фанининг шу актуал соҳасидаги анъанавий илмий алоқаларини ривожлантириш ишига хизмат қилишига аминмиз.

Ер юзида тинчлик сақланиб, ядро уруши хавфининг олди олинганидагина илм-фан ютуқларидан кишиларнинг фаровонлиги йўлида кенг кўламда фойдаланиш мумкин бўлади. Бутун дунё олимлари сингари мамлакатларимизнинг олимлари ҳам планетамизда тинчликни сақлаш ишига салмоқли ҳисса қўшишларига ишонамиз.

Симпозиум қатнашчилари муваффақиятли ишлашларини тилашга ва симпозиум СССР билан ГФР олимлари ўртасидаги илмий алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга ҳамда бутун башариятнинг фаровонлиги йўлида полимерлар фанини янада тараққий эттиришга кўмак беради, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

**А. П. АЛЕКСАНДРОВ,**
**СССР Фанлар академиясининг президенти.**

# КИМЁГАРЛАР СИМПОЗИУМИ

Тошкентда полимерларга бағишланган СССР—ГФР биринчи макромолекуляр симпозиуми очилди. Симпозиумда иккала мамлакатнинг катта-катта олимлари иштирок этмоқдалар. Улар тажрибани баҳам кўрадилар, илм-фаннинг шу соҳасида эришилган натижалар тўғрисида сўзлаб берадилар, бундан буёнги ҳамкорлик йўлларини белгилаб оладилар.

Мажлисда академик В. В. Коршак, Маргбург университетининг профессори В. Хайтц, бошқа таниқли кимёгар олимлар сўзга чиқдилар.

СССР Фанлар академиясининг президенти, академик А. П. Александровнинг симпозиум қатнашчиларига йўллаган табрикномаси ўқиб эшиттирилди. (ЎзТАГ).

